28 МАР 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 72 (20. 639) • 1990 йил 27 март, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

26 март куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Эрталабки мажлисда депутат М. С. Салоҳиддинов раислик қилди.

Депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлисларининг депутатлар таклиф этган тузатишлар ва қўшимчалар ҳисобга олиниб тасдиқланган муваққат иш тартибини муҳокама қилдилар.

Депутат М. И. Иброҳимов Ўзбекистон ССР Олий Советининг аввалги мажлисида Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан депутатлар айтган таклифлар тўғрисида ахборот берди.

Шундан сўнг депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Муҳокама чоғида бу лавозимга икки номзод: Ўзбекистон ССР халқ депутатлари М. И. Иброҳимов ва П. М. Абдураҳмонов номзодлари қўйилди. П. М. Абдураҳмонов ўз номзодини қайтариб олди, депутатлар унинг бу илтимосини қондирдилар.

Яширин овоз бериш натижасида Мирзаолим Иброҳимович Иброҳимов Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг Раиси этиб сайланди.

Шундан кейин сессия мажлисини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов олиб борди.

Депутат Б. И. Бугров очиқ овоз бериш йўли билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари қилиб сайланди.

Сессия Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди, уларнинг раҳбарларини тасдиқлади.

Кечқурунги мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раисини тайинлаш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов икки муқобил номзодни — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси бўлиб ишлаган М. М. Мирқосимов ва республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Давлат план комитетининг раиси бўлиб ишлаган Ш. Р. Мирсаидов номзодини муҳокамага тақдим этди. Пухта муҳокамадан сўнг яширин овоз бериш бюллетенларида иккала номзодни қолдиришга қарор қилинди.

Яширин овоз бериш натижаларига кўра Ш. Р. Мирсаидов Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси этиб сайланди.

27 март куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттиради.

Мажлислар кундалиги

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясининг дастлабки иш куни-да республика Олий Совети Президиуми Раиси депутат М. И. Иброҳимовнинг Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон ССР қонуни лойиҳаси ҳақидаги доклади фаол ва манфаатдорлик билан муҳокама қилинди.

— Ҳозир Ўзбекистонда 20 миллионга яқин киши яшайди, уларнинг муаммолари кўп, — деди ўз нутқида депутат С. Д. Нжеутуллаев.—Уларни ҳал қилиш учун бизга кучли президент ҳокимияти керак. Ҳамма нарсага биз ўзимиз ишониб кўрсатадиган бир киши жавоб бериши ва ҳамма нарса учун биздан сўраши керак.

Биз маслаҳатлашиб ушбу лавозимга ўртоқ И. А. Каримовни кўрсатамиз. Қорақалпоғистонлик барча депутатлар шу таклифни айтишди. Ислом Абдуғаниевич ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, деҳқонларга ер ажратиб бериш тўғрисидаги масалани рўёбга чиқаришда кўп ижобий ишлар қилди. Деҳқонларга ер берилиши қишлоқ меҳнаткашларига ҳақиқий ғамхўрлик қилинаётганлигининг исботи бўлди. Ҳозирги ҳукумат туфайли Қорақалпоғистонга унинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлари учун 36 миллион сўм пул ажратилди.

Тўғри, депутатларнинг бир қисми президент ҳокимияти қаттиқ якка ҳокимликка айланиши мумкин деб хавфсирамоқда. Бундай бўлмаслигига бизнинг кучимиз етади. Президент депутатлар билан, сессия билан биргаликда ишлайди, шу сабабли назорат бўлади.

Бугунги кунда барча халқлар ҳақиқий давлатга, ўз тилига эга бўлмоқда. Шу жумладан, қорақалпоқлар сингари кичик миллат вакили бўлган мен ҳам бу ерда, сессияда автоном жумҳуриятимизнинг давлат тилида сўзлаяпман. И. А. Каримов президент лавозимида барча муаммоларимизни ҳал этишга фаол кўмақлашади, деб ўйлайман.

— Мендан олдин сўзга чиққан қорақалпоғистонлик нотиқнинг ўртоқ Каримов президент лавозимини эгаллашга муносиб деган фикрига тўла қўшиламан,— деб таъкидлади сессия минбаридан туриб депутат М. Эргашева.—Мен кўп хотин-қизлар, пенсионерлар, кам таъминланган оилалар, ногиронлар номидан, шунингдек андижонлик барча сайловчилар номидан гапиряпман. Бизнинг кўп муштарак муаммоларимиз бор. Бундан ташқари, Андижоннинг ўзига хос муаммолари бор. Масалан, бизда ишсизлар кўп. Ўртоқ Каримов номзодини қўллаб-қувватлар эканмиз, бўлажак президентимиздан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий ва иқтисодий масалаларни ҳал этиш борасидаги ишларини фаол давом эттиришини сўраймиз.

(Давоми иккинчи бетда)





Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясининг мажлислар залида.

В. МОЛГАЧЕВ суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ РАИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Мирзаолим Иброҳимович Иброҳимов Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси этиб сайлансин.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 26 март.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Борис Иванович Бугров Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 26 март.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Шукрулла Раҳматович Мирсаидов Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 26 март.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Э. А. ШЕВАРДНАДЗЕНИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Эдуард Амвросиевич **Шеварднадзе** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Ю. Д. МАСЛЮКОВНИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Юрий Дмитриевич **Маслюков** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

ЎРТОҚ В. А. КРЮЧКОВНИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Владимир Александрович **Крючков** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Д. Т. ЯЗОВНИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Дмитрий Тимофеевич **Язов** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

ЎРТОҚ ЧИНГИЗ АЙТМАТОВНИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Чингиз **Айтматов** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

ЎРТОҚ С. С. ШАТАЛИННИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Станислав Сергеевич **Шаталин** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

ЎРТОҚ В. Г. РАСПУТИННИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Валентин Григорьевич **Распутин** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

ЎРТОҚ А. Н. ЯКОВЛЕВНИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Александр Николаевич **Яковлев** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

ЎРТОҚ В. А. ЯРИННИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Вениамин Александрович **Ярин** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

ЎРТОҚ А. Э. КАУЛСНИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Альберт Эрнстович **Каулс** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Ю. А. ОСИПЬЯННИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Юрий Андреевич **Осипьян** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Е. М. ПРИМАКОВНИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Евгений Максимович **Примаков** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

ЎРТОҚ В. И. БОЛДИННИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Валерий Иванович **Болдин** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

ЎРТОҚ В. В. БАКАТИННИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Вадим Викторович **Бакатин** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Г. И. РЕВЕНКОНИ СССР ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Григорий Иванович **Ревенко** СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси этиб тайинлансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 23 март.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

МАЖЛИСЛАР КУНДАЛИГИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

— Конституциямиз 6, 7-моддаларига тузатишларни қабул қилар ва партия аппарати ҳукмронлигини тугатиш тўғрисида гапирар эканман, — деб таъкидлади сессияда сўзга чиққан депутат **В. Г. Грабилин,** — қонун чиқарувчи ҳокимият билан ижроия ҳокимият ўртасида бўшлик пайдо бўлмасмикин деб ўйлаб қоламан. Парламентимиз ҳали жуда ёш. У ижроия ҳокимиятнинг кучли тузилмасига муҳтож. Президентлик ушбу муаммоларни ҳал этади, республикада миллатлараро муносабатларнинг барқарорлашишига, одамларда ўзларининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этилганликларига ишонч ҳосил қилишда кўмаклашади, деб ўйлайман.

Барча жумҳуриятлар мустақилликни орзу қилишмоқда, лекин унинг бирдан-бир аниқ йўли президент ҳокимияти орқали ўтади. Мен Сурхондарё вилояти депутатларининг топшириғига кўра ўртоқ Каримов номзодини қўллаб-қувватлайман. У одамларнинг кундалик эҳтиёжларини яхши билади, ўз фаолиятида ана шу эҳтиёжларни биринчи даражали қилиб қўяди. Жумҳуриятимизда ерлар ажратиб берилиши тўғрисидаги масалаларнинг ҳал этилиши, камбағалларга ёрдам кўрсатилиши, бошқа ижтимоий муаммолар ҳал этилаётганлиги бундан далолат бериб турибди. Айни вақтда президентнинг бўлажак қасамёди матнига тузатиш киритишни хоҳлайман. Президент республика халқига садоқат билан хизмат қилади, деб ёзилган. Бунинг ўрнига «...Узбекистон халқларига» деб ёзилиши керак.

Депутат **Б. Сериков** сўзга чиқади:

— Давлатимиз ҳуқуқий давлат бўлишга интилмоқда. Ер тўғрисида, Мулк тўғрисида бир қанча муҳим қонунлар қабул қилинди. Федерация тўғрисидаги қонун ишлаб чиқилмоқда. Лекин биз уларни амалга оширишга тайёрмизми? Бунинг учун кучли президент ҳокимияти керак. Республикамиз кўп миллатли, унда аҳоли жуда зич яшайди. Ҳар бир миллий гуруҳнинг ўз муаммолари бор. Умумий муаммоларимиз ундан ҳам кўп — сув билан таъминлаш, камбағалликни тугатиш, ердан фойдаланиш муаммолари шулар жумласига киради. Аҳолининг 65 фоизи ана шу масалалар ўткир бўлиб турган, лекин ҳал этилмаётган қишлоқларда яшайди. Ана шу масалалар ҳал этилиши учун бизга президент керак. Сайловчилар номидан бу лавозимга И. А. Каримовни таклиф этаман. У жумҳуриятимизнинг жами эҳтиёжларини билади, партия ва хўжалик идораларида ишлаган. Жумҳуриятимизга раҳбарликни яхшилаш учун у ҳозирдаёқ анча ишларни қилиб қўйди. Жиззах вилояти депутатлари номидан сессия И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлашини сўрайман.

— Жумҳуриятимизда президент бўлишини жуда хоҳлайман,—деб давом эттирди муҳокамани депутат **О. Маҳмудов.**— Тўғри, бу лавозимга кўп номзодларни кўрсатиш асосида сайлаш керак, лекин мен бугун И. А. Каримовдан бошқа номзодни кўрмаяпман. У ўзбек халқи орасида мустаҳкам обрў қозонди, у жумҳуриятимизда ҳамма тан олган раҳбар. Мен яна бир нарса ҳақида гапирмоқчиман: янги ҳокимиятнинг ҳуқуқларини жуда чегаралаб қўймаяпмизми? Бу масалага тўғри ва ўйлаб ёндашишимиз керак. Мудофаа соҳаси Иттифоқимиз қарамоғида қолаверсин. Лекин Давлат хавфсизлиги комитети, Ички ишлар министрлиги жумҳурият президентига бўйсундирилиши лозим. Акс ҳолда жиддий ҳатолар бўлиши мумкин. Ҳуқуқ комиссияси шу маънода қаттиқ ишлаши керак. Бизда ҳал этилмаган муаммолар шу даражада кўп тўпланиб қолдики, уларни президент ҳокимиятисиз ҳал этиб бўлмайди, деб ҳисоблайман.

— СССР халқ депутатлари учинчи Съезди тарихий қарор — президентлик тўғрисидаги қонунни қабул қилди, — деб таъкидлади ўз нутқида депутат **Ҳ. Ҳ. Нишонов.** — Бугун биз республикамизда ана шундай лавозимни жорий этмоқдамиз. Умид қиламанки, бу иқтисодий қолоқликни бартараф этишга, кўплаб ўткир муаммолардан демократик йўллар билан чиқишга ёрдам беради. Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг номзоди — энг реал, тўғри келадиган номзод деб ҳисоблайман. У Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари бўла туриб, одамлар фаровонлигини яхшилаш учун бир қанча муҳим тадбирларни амалга оширди. Унинг куч-ғайратлари эвазига бугунги кунда етилган учта муҳим муаммо республикада мақсадга мувофиқ ҳал этилмоқда: булар ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш, Озиқ-овқат программаси, Уй-жой программаси муаммоларидир. Президент лавозимининг жорий этилиши билан республикада барча муаммолар муваффақиятлироқ ҳал этилишига шубҳа йўқ. Президент ваколати қолган барча ваколатлардан анча юқоридир.

Минбарга депутат **П. Қ. Қодиров** чиқади:

— Ижодкор зиёлилар номидан шуни айтишим керакки, биз 20 миллион халқ тушган бир кемадамиз. Шунинг учун ҳам бу халқни, унинг ўй-ташвишлари ва муаммоларини биладиган киши керак. Ёнимизда яна 14 та ана шундай кема бор: республикамиз кемаси шулар билан ёнма-ён сузиб бориши керак. Буни таъминлаш ҳам президент вазифасига киради. Бизнинг республикамиз ажойиб, ўлкамиз олтинга ўхшайди. Бой имкониятлар, меҳнатсевар халқ бор-у, қашшоқликдан чиқа олмаяпмиз. Гап одамларда эмас, балки одамлар ҳақида чинакамига қайғурадиган раҳбарлардадир. Бизда анчадан буён бундай раҳбарлар бўлмаган, эҳтимол Ф. Хўжаев, А. Икромовлар даврида бўлгандир, лекин улар нобуд бўлишди. Биз ажойиб кунларга етиб келдик: халқ ўз сафларидан чинакам раҳбарларни сайламоқда. Натижа эса бундай бўлди — охирги йилнинг ўзидагина шаҳар ва қишлоқларда кўпгина яхши ўзгаришлар рўй берди. Маънавий турмушда ҳам яхши ўзгаришлар бор. А. Қодирий, Чўлпон номлари тикланди. Тарихий имкониятдан фойдаланиш керак. Ўз кадрларимизни тарбиялайлик. Сизларни И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга даъват этаман.

Депутат **Г. Ҳ. Сидаков**нинг нутқи муҳокамага якун ясади:

— Яқинда биз ўртоқ И. А. Каримовни Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби қилиб сайлаганимизда ҳам мен сўз сўраган ва шундай деган эдим: Ислом Абдуғаниевич, агар сиз иккита масала одилона ҳал этилиши учун —жумҳуриятимизда байналмилал дўстликни мустаҳкамлаш учун ва республика партия ташкилотимизнинг шарафини тиклаш учун жавоб берсангиз, мен охиригача ҳар қандай маррада сиз билан ёнма-ён туришга тайёрман. Бугун ҳам ана шундай дейман. Бироқ, нутқларда бирмунча бошқача фикрлар борлиги: ўртоқ Каримовни анча-мунча мақтаётганликлари бизни хавотирлантирмоқда. Бундай қилиш ярамайди. Бир йиллик иш давомида биз ўртоқ Каримовнинг кўпгина яхши фазилатларини кўрдик, аммо баландпарвоз сўзлар ортиқчадир. Айни пайтда мен сизларни сайлов чоғида ўртоқ Каримов учун овоз беришга даъват этаман. Чунки ўз сайловчиларим сингари мен ҳам у кишига ишонаман.

Аслида ўртоқ Тўлагановнинг барча материалларни иложи борича биз депутатларга олдиндан юбориш тўғрисидаги фикрига қўшиламан. Бироқ биз бу ерда ўртага қўяётган ҳар қандай масалани ўз округларимизда муҳокамага қўйишимиз, ҳамма нарсани ўз сайловчиларимиз билан келишиб олишимиз, кейин яна мажлисга тўпланишимиз тўғрисидаги фикрга қўшила олмайман... Биз сайловчилар орасида яшаймиз, ҳар куни улар билан мулоқотда бўлишимиз, уларнинг орзу-ўйлари, эҳтиёжларини билишимиз ва бу ерда масалаларни уларнинг номидан ҳал этишимиз, улар бизга ўз номларидан гапириш ва масалаларни ҳал этишни ишониб топширганликларини қатъият билан ва рўй-рост айтишимиз керак. Акс ҳолда биз қандай қилиб халқимизнинг ишонч билдирган вакиллари бўлишимиз мумкин?

Биз одамларимизнинг эҳтиёжларини, ҳар бир кишининг ўз таклифи борлигини биламиз. Бугун, ушбу сессияда биз ҳал этишга ҳали тайёр бўлмаган барча масалаларни ўртага қўймаслигимиз лозим. Режалаштирилган масалаларни ҳеч кечиктирмай, албатта ҳал этишимиз керак. Мен ўзимнинг сайловчилар олдидаги бурчимни ана шундан иборат деб биламан.

Шундан кейин депутатлар мазкур масалани муҳокама қилишни тўхтатдилар. Сессия тасдиқланган кун тартибига мувофиқ ўз ишини давом эттирди.

(ЎзТАГ).

СУРАТДА: қашқадарёлик депутатлардан бир гуруҳи. В. МОЛГАЧЕВ сурати.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

● Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси давом этмоқда. Сессиянинг биринчи кунида Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Узбекистон ССР қонуни лойиҳаси ҳақидаги масала кун тартибига қўйилди. Депутатлар Ўзбекистон ССРнинг биринчи Президентини сайладилар. Қуйида республика халқ депутатларининг шу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ҲАЁТ ТАЛАБИ

Республика Олий Совети сессияси қарори билан ўлкамиз ҳаётида биринчи бор Ўзбекистон ССР Президенти лавозими таъсис этилганлиги ва республика Президенти сайланганлиги мени беҳад қувонтирди. Чунки қайта қуриш жараёни, унинг барча мураккабликлари ва қийинчиликлари, муаммолари шуни тақозо этяпти.

Туб иқтисодий ва сиёсий ислоҳотни амалга ошириш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун янада самаралироқ бошқарув воситаси кераклигини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Шунинг учун республикамизда президентлик лавозими таъсис этилганлиги ва у сайланганлиги қайта қуриш сиёсатига мос, деб ҳисоблайман. Бу республикамиз келажаги учун, тўпланиб қолган муаммоларни изчиллик билан ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлишига аминман. Сессиянинг бориши ҳам менга маъқул бўлмоқда. Одамлар ҳар қачонгидан ҳам дадил, ўз фикр-мулоҳазаларини чўчимасдан рўй-рост баён қилмоқдалар. Барча масалаларга жиддий ёндошиляпти. Бу эса мазкур сессия ҳаётимизда катта ўзгаришлар ясайдиган бурилиш нуқталаридан бири бўлади деган умид уйғотади.

Р. НАСИМОВ,
І-Самарқанд «Облагрострой» трести бошқарувчиси.

ХАЛҚ ИРОДАСИ

Бутун мамлакатимиз, шу жумладан, жумҳуриятимиз мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Ана шундай бир шароитда республикамизда президентлик лавозими таъсис этилиши, яъни ягона раҳбарлик лавозими вужудга келиши бугунги кун талабларига мос тушади. Президент Ўзбекистон халқларига садоқат билан хизмат қилишга, гражданлар ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, ўз зиммасидаги юксак вазифаларни виждонан бажаришга ваъда берди.

Сессияда Президент якка ҳоким бўлиб қолмаслиги керак деган фикр ва мулоҳазалар ҳам бўлди.

Мен қурувчилар бригадириман. Республикамиз меҳнаткашлари ҳаётини яхшилаш масаласи кун тартибида турибди. Кўпгина соҳалар мутахассислари иш ҳақини ошириш, уларнинг маиший шароитини яхшилаш чора-тадбирлари кўриляпти. Лекин қурувчилар иш ҳақини ошириш ҳақида ҳали гап ҳам бўлгани йўқ. Мен шу масалани сессияда кўтармоқчиман.

Миллатим уйғур, жумҳуриятимизда 15 мингга яқин ана шу миллат вакиллари яшайди. Бироқ айримларининг маданий марказлари ташкил этилмаган. Бундан ташқари 159-Қўқон қишлоқ сайлов округи территориясида 51 минг аҳоли яшайди. Бу ерда кўпгина ишсизлар бор. Уларни иш билан таъминлаш учун қатор саноат корхоналари филиалларини ташкил этиш республика Компартиясининг сайловолди Ҳаракат дастурида айтилган. Лекин ҳали бу соҳада амалий ишга ўтилгани йўқ. Районимизга саксонинчи йилда газ борган бўлса-да, аҳолининг бор-йўғи икки фоизигина табиий газга эга. Колхозларга эса умуман газ боргани йўқ. Бу муаммоларни зудлик билан ҳал этиш даркор.

Э. ТЎЛАШОВ,
Пахтаобод районидаги 114-механизациялашган кўчма колонна ишчиси.

ТЎРАЧИЛИККА ҚАРШИ

Республикамизда турли миллат ва халқлар вакиллари яшайди. Бу эса уларнинг ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва дўстона алоқаларни сақлаб қолиш ва турли халқлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришни тақозо этади. Кўпгина муаммолар у идора билан бу идора ўртасида ҳал бўлмасдан қоляпти. Оддий Фарғона воқеасини олайлик. Шуни жойида ҳал қилса бўларди. Лекин бу масъулиятни бўйнига оладиган одам топилмади. Натижада Қувасойда бошланган кўнгилсизликлар бошқа районларда ҳам рўй берди. Республикада тинчлик ва осойишталикни, барқарорликни таъминлаш учун ҳам президентлик лавозимини таъсис этиш зарур эди.

Ҳозирги Президентимиз ҳам Йўлдош ота Охунбобоев йўлидан бориб, халқ ичида, оддий одамлар орасида кўпроқ бўлишини орзу қиламан.

Ҳамон планлаштиришда буйруқбозлик ҳоллари бор. Бунга чек қўйиш керак. Халқ фикрига таяниш даркор. Ҳар бир хўжалик ўз шарт-шароитини ҳисобга олган ҳолда, планни ўзи белгиласа мақсадга мувофиқ бўлур эди. Қишлоқ жойларда лойиҳалаш институтларининг ҳам филиалларини очишни таклиф қилар эдим. Чунки, бу нарса маҳаллий аҳамиятга эга бўлган кўпгина масалаларни ҳал этишга имкон берган бўлур эди.

Э. МАДУМАРОВ,
Охунбобоев районидаги Ленин номли колхоз правлениеси раиси.

РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЙ ҚУДРАТИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

22 март куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари комиссиясининг навбатдаги мажлиси ўтказилди. Мажлисни комиссия раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. А. Попов бошқарди.

Комиссия Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг республикада Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий мустақилликка эришиш концепциясини шакллантириш юзасидан амалга ошираётган ишлари тўғрисидаги ахборотини тинглади. Бунга республиканинг ердан фойдаланиш; ишлаб чиқариш қудрати билан яратилган минерал-хом ашё ва табиий ресурслардан фойдаланиш суверен ҳуқуқларини мустаҳкамлаш; мулкчилик барча шаклларини бир текисда ривожлантириш; план-бозор механизмини жорий этиш; ижтимоий ишлаб чиқариш структурасини қайта қуриш; нарх белгилаш ва солиқ сиёсатини такомиллаштириш асос қилиб олинди.

Кенг фикрлашув бўлиб ўтди. Сўзга чиққан кишилар концепция қоидалари экономикада, ижтимоий соҳада вужудга келган реал вазиятни инобатга олиб ишлаб чиқилган ва республика барча аҳолиси манфаатларига мос бўлиб тушади, деб таъкидладилар. Бунда барча иттифоқдош республикалар билан мамлакат ягона халқ хўжалиги комплекси таркибида, янгиланган федерация шароитида ўзаро фойдали иқтисодий муносабатлар қарор топтирилиши таъминланади. Белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши республиканинг иқтисодий ва илмий-ишлаб чиқариш қувватини мустаҳкамлаш, ўзини ўзи бошқаришга ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтиш, экология вазиятини соғломлаштириш, халқ фаровонлигини оширишнинг моддий негизини яратиш имконини беради.

Комиссия аъзолари халқ хўжалиги структурасини, бошқарув шакллари ва усулларини тегишли шароит вужудга келишига қараб, босқичма-босқич тубдан қайта тузиш мақсадга мувофиқ эканлигига эътиборни қаратдилар.

Хўжалик юритишнинг планбозор усулига ўтиш чоғида меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг самарали тадбирларини ишлаб чиқиш, аҳолининг кам таъминланган қатламларига моддий ёрдамни кенгайтириш ҳам зарур. Республиканинг иқтисодий мустақиллигига эришиш концепциясининг асосий принципларини Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясида кўриб чиқишга тақдим этиш тавсия қилинди.

«Иш билан таъминлаш» деган давлат республика программаси қандай ишлаб чиқилаётгани ва унинг амалга оширилишига доир чора-тадбирлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан тўла ва самарали таъминланиши республиканинг энг ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларидан бири эканлиги таъкидлаб ўтилди. Бу муаммонинг ҳал этилиши жуда катта сиёсий аҳамиятга эгадир. Аҳолини иш билан таъминлашда ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишда вужудга келган номутаносибликни бартараф этишга қаратилган туб чора-тадбирлар зарур.

Партия, совет ва хўжалик органлари аҳолининг иш билан банд бўлишини ҳисобга олиш ва уни ташкил этишни такомиллаштириш, областлар, шаҳарлар ва аҳоли пунктларида ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ҳамда жойлаштириш схемаларини тузиш борасида катта иш олиб бораётганликлари уқтириб ўтилди. Кўп вариантли ёндашувлар негизида республикада иш билан таъминлашни бошқариш дастури ишлаб чиқилди. Шаҳарлар ва районларда тегишли хизматлар ташкил этилмоқда. Халқ депутатлари барча посёлка ва қишлоқ Советлари таркибида инспектор лавозими жорий этилди. Аҳолининг иш билан таъминланишини ҳисобга олиш ва уюштириш унинг асосий вазифасидир. Шунга мувофиқ маҳалла комитетлари ва уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари секретарларининг вазифалари ҳам кенгайтирилди. Март ойининг бошидан ҳамма жойда меҳнатга яроқли, лекин ишламаётган аҳоли бир йўла шахсан ҳисобга олинмоқда.

Программани ишлаб чиқиш ва иш билан банд бўлмаган аҳолини шахсан ҳисобга олиш чоғида ташкилий нуқсонларга йўл қўйилаётганига, белгиланган муддатлар чўзиб юборилаётганига эътибор қаратилди. Айрим халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари тегишли қарорлар қабул қилишда, аниқ ишларни ташкил этишда кечикиб қолмоқдалар. Тузилган мувофиқлаштириш кенгашлари ижрочилар ўртасида аниқ пухта ҳамжиҳатликни таъминламаяптилар. Ишга жойлаштириш хизматлари ва инспекторларнинг бўш ўринлари йўл қўйиб бўлмайдиган даражада секинлик билан тўлдирилмоқда.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, Самарқанд область ва Тошкент шаҳар ижроия комитетларининг раҳбар коммунистларига, партия комитетларининг масъул ходимларига иш билан банд бўлмаган аҳолини шахсан ҳисобга олишга, «Иш билан таъминлаш» территориал программасини тузишга доир ташкилий ишлардаги камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Программаларни ишлаб чиқишга партия фаолларини, меҳнат коллективларини, жамоат ташкилотлари ва ёшлар ташкилотларини кенг жалб этиш таклиф қилинди. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари фаол олиб борилсин, меҳнаткашларга партия ва совет органларининг иш билан банд бўлмаган меҳнатга яроқли аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш борасида кўраётган чора-тадбирлари тўғрисида ахборот берилсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1990 йил 27 февралдаги «1991-1995 йилларда Ўзбекистон ССРда бинокорлик материаллари ва уйсозлик ускуналарини ишлаб чиқаришни ривожлантириш программаси тўғрисида»ги 114-қарори қандай амалга оширилаётганлигига доир масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, Узагростроой ва Фарғона область ижроия комитети раҳбар коммунистларининг ҳукумат қарорларини қандай бажараётганлиги тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Республика Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, Узагростроой ва Фарғона область ижроия комитети белгиланган топшириқларни амалда рўёбга чиқаришга доир ишларни ҳали яхши йўлга қўймаганликлари тўғрисида танқидий мулоҳазалар билдирилди. Бинокорлик саноати объектлари қуриш учун ер участкаларини ажратиб бериш масалалари сусткашлик билан ҳал этилмоқда, қурилаётган ва реконструкция қилинаётган заводлар ҳамда цехларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни асбоб-ускуналар билан бутлаш муддатлари чўзиб юборилмоқда. Бинокорлик комплексига қарашли база объектларини барпо этишда сезиларли силжишга эришилгани йўқ.

Комиссия область ижроия комитетларига, министрликларга, идораларга, қурилиш ташкилотларига ижроия комитетларининг мажлисларида, коллегияларда, меҳнат коллективларининг йиғилишларида ҳукумат қарори қандай бажарилаётганини кўриб чиқиш ва уни амалга оширишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тавсия этди.

Муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Комиссия ишида республика Халқ назорати комитетининг раиси Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Давлат план комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидов иштирок этдилар.

ЛИТВАДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

ВИЛЬНЮС, 25 март. (ТАСС мухбири). Шу якшанба куни Литва пойтахтидаги вазият об-ҳавога монанд осойишта бўлди — об-ҳаво эса унча иссиқ бўлмаса ҳам, айни баҳор кунидек бўлди. Вильнюс аҳолиси шу куни оилалари билан маданият ва истироҳат боғларига чиқдилар, кўргазмаларга бордилар, кўчаларда сайр қилиб юрдилар. Шаҳар аҳли дам олди.

ТАСС мухбири **Казис Усцила** Литва ички ишлар министрининг ўринбосари Вацловас Забараускасга учраб, республикадаги аҳвол ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Якшанба куни пойтахтда ҳам, бутун республикада ҳам осойишталик ва тинчлик ҳукм сурганини ишонч билан айта оламан, — деди у. — Ҳаммаси аввалги кунларга ўхшаш бўлди. Баъзи бир хил жиноятлар қайд этилди. Йўлдаги транспорт ҳодисалари ва бошқа ҳодисалар рўй берди. Бироқ, умуман вазият барқарор бўлди, у бир ёки икки ой аввалгига нисбатан асло ёмонлашгани йўқ. Министр ўринбосарининг фикрича баъзи оммавий ахборот воситалари республикадаги вазиятни тарафкашлик билан бир ёқлама ёритмоқдалар, баъзи фактларни умуман вазиятнинг ифодаси қилиб кўрсатмоқдалар. Бундан бошқа хабарни ўқимайдиган газетхонлар ва тингловчилар, деди В. Забараускас, мана шундай материаллар асосида энди Литвада оз бўлмаса қиёмат-қойим бўлибдида, деб ўйлашлари мумкин. Бу эса вужудга келган мураккаб вазиятни бартараф этиш ишига сира хизмат қилмайди.

СССР Олий Советида учрашув

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг маданиятни, тилни, миллий ва байналмилал анъаналарни ривожлантириш, тарихий меросни асраш масалалари комиссиясининг аъзолари 23 март куни СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков билан учрашдилар. Учрашувда СССР халқ депутатлари — ижодий уюшмаларнинг раҳбарлари, СССР ҳукуматининг аъзолари ҳам қатнашдилар.

Сўзга чиққан кишилар маданият соҳасида юз бераётган салбий жараёнлар ҳақида зўр ташвиш билан гапирдилар. Маданиятга муносабатда фойда кетидан қувиш, тор истеъмолчилик муносабатлари томон оғиб кетиш яққол намоён бўлмоқда. Ҳал этилишини кутаётган жуда кўп ўткир амалий муаммолар тўпланиб қолди. Кутубхона ходимлари ҳамда бошқа маданият ходимлари иш ҳақининг жуда камлиги, тарихий ёдгорликлар ва бошқа кўпгина маданият обидалари ночор ҳолатда эканлиги, ҳатто болалар китоблари учун қоғоз етишмаётганлиги, кўпгина истеъдодли музикачилар ва рассомларнинг чет элларга кетиб қолаётганлиги ана шундай муаммолардандир. Ч. Т. Айтматов маданият соҳасидаги ишларнинг аҳволини ғоят қийин деб атади. Ошкора суҳбат чоғида, жумладан СССР Министрлар Совети ва унинг идоралари номига кўпгина танқидий мулоҳазалар айтилди.

Шу билан бир вақтда мамлакатимиз, ундаги барча республикаларда истеъдодли кишилар кўплиги таъкидлаб ўтилди. Маданият шундай соҳаки, бу соҳада ҳали анъаналар унутилган эмас ва мамлакатимизнинг бу соҳадаги обрўси жуда юқори. СССР маданият министри Н. Н. Губенко ва учрашувнинг бошқа қатнашчилари мамлакатдаги иқтисодий вазиятнинг ғоят мураккаблигини англаб етган ҳолда маданият соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган бир қанча таклифларни айтдилар, кўп ҳолларда бу муаммоларни давлатнинг қўшимча харажатларисиз ҳал этиш мумкин, шусиз ҳам сўнгги йилларда давлатнинг қўшимча харажатлари анча ошиб кетди.

Н. И. Рижков учрашув қатнашчиларининг танқидий мулоҳазаларига тўхталиб, жумладан маданиятни ривожлантиришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини изчиллик билан мустаҳкамлаш лозимлиги ҳақида гапирди. Бу соҳада Қонун лойиҳаларини тайёрлаш борасидаги фаолиятнинг аҳамияти беқиёс. Айни пайтда бир марта қабул қилинган Қонун тез ўзгариб бораётган турмушимиздаги барча мураккабликларни, маданиятнинг тарбиявий имкониятлари барча мажмуасини, унинг жамият маънавий тараққиётига, айниқса ёшларга таъсирини акс эттиришини кутиш мумкин эмас. Шу муносабат билан энг муҳим вазифалардан бири — давлатнинг қонун чиқарувчи ва ижроия идораларининг ижодий ҳамкорлигини йўлга қўйишдан иборат. Бундай ҳамкорлик маданият соҳасидаги барча ижтимоий аҳамиятга молик ҳодисалар ва тенденцияларга нисбатан самарали муносабат билдиришга имкон берган бўлур эди. Д. Н. Кугультинов ва бошқа халқ депутатларининг ана шу соҳани ривожлантиришга дахлдор бўлган ҳар бир киши мамлакатнинг келажаги, тараққиёти унинг маданияти ҳолати билан бевосита боғлиқлигини ёдда тутиши керак, деган фикрини СССР Министрлар Советининг Раиси қўллаб-қувватлади.

Учрашув қатнашчилари маданиятни ривожлантиришнинг муҳим масалаларини бундан буён СССР халқ депутатлари билан ҳукумат ўртасида тағин ҳам мустаҳкам ҳамкорликда кўриб чиқиш ҳақида келишиб олдилар.

(ТАСС).

Ҳамкасблар хотираси

Кеча Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг клубида «Совет Ўзбекистони», «Тошкент ҳақиқати», «Ленин ўчқуни» газеталари, «Муштум» журнали ва бошқа матбуот органларида узоқ йиллар меҳнат қилган марҳум журналист, ёзувчи ва рассомлар хотирасини ёдга олиш маросими ўтказилди. Унда журналистлар, хотираси ёдга олинган марҳум қаламкашларнинг оила аъзолари, фарзандлари, яқин қариндош-уруғлари, дўстлари қатнашдилар.

Маросимда сўз олган «Совет Ўзбекистони» газетаси муҳаррири Р. Раҳмонов матбуот органларида ишлаган марҳум ижодкорлар хотираси улар билан бирга ишлаган барча сафдошлари ҳамда кейинги авлодлар қалбида ҳамиша сақланаётганлиги, ижодий меросларини ардоқланиб, энг яхши анъаналари давом эттирилаётгани ҳақида гапирди. Шунингдек, у журналистларнинг хотираси абадийлаштирилаётганлиги, улар номидаги мукофотлар жорий этилаётгани, масалан, «Совет Ўзбекистони» газетаси энг яхши журналистика асарлари учун Ҳабиб Нўъмон номли мукофот таъсис этганини маълум қилди.

Маросимда ветеран журналистлар ҳам сафдошларини илиқ сўзлар билан эсга олишди. Маросим сўнггида марҳум ижодкорларнинг нашриёт клуби залига қўйилган суратлари ҳамда улар қаламига мансуб асарлари билан танишилди.

Бу хайрли иш бундан буён анъанага айланиб қолади.

• *Қайта қуриш йўлларида*

ЭРТАНГИ КУНГА БИР НАЗАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕСКИН КЎПАЙТИРИШНИ РЕСПУБЛИКАНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА БЕЛГИЛАБ БЕРДИ

Ўй-жой қурилиши учун юзлаб номда турли хил қурилмалар, материаллар, буюмлар кераклиги ҳаммага маълум. Лекин Ўзбекистонга мамлакатимизнинг бошқа минтақаларидан 360 хил бинокорлик материаллари ташиб келтирилишини кўпчилик билмаса керак. Ана шу материалларнинг ҳатто озгина қисми етказиб берилмаса, уйларни фойдаланишга топшириш мумкин бўлмайди. Ҳар ҳолда уй олиш учун узоқ муддат навбат кутган кишилар тўкис-тугал, кўнгилдагидек уйларни эмас, балки афсуски яна қанчадан-қанча маблағ сарфланиши керак бўлган чалакам-чатти бошпана оладилар.

Баъзи кишилар республикамизда ўй-жой кескин етишмаслигига марказ, бинокорлик материалларини ўз вақтида етказиб бермаётганлар айбдор экан-да, деб айтишлари мумкин. Ҳа, қисман шундай. Аммо, бу муаммо бир қараганда юзаки кўринса-да, биз ўйлагандан жиддийроқ ва ўткиррақдир.

Ҳозир Ўзбекистон қурилиш саноати ва бинокорлик материаллари саноатини ривожлантиришда мамлакатимиздаги бошқа республикалардан жиддий орқада қолмоқда, Украина ва Белоруссиядан эса ушбу кўрсаткич бўйича икки баравар орқада боряпмиз. Буни бинокорлик материаллари корхоналари бажарган 1 миллион сўмлик иш ҳақидаги маълумотлар яққол кўрсатиб турибди. Бундай номутаносибликнинг асосий сабаби — пул билан таъминлашнинг қолдиқ принципидир. Энг муҳим соҳа фақат ғиздагина «асосий соҳа» бўлиб қолган эди, капитал маблағ сарфлаш, корхоналар қуриш ва уларни таъмирлаш бўйича эса аянчли аҳвол юзага келган эди. Бир неча мисоллар келтирамиз:

Иморатларни бунёд этишда фойдаланиладиган материалларнинг кўп қисми ишлаб чиқариладиган Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги корхоналарининг ярмидан кўпроғини тубдан янгилаш талаб қилинмоқда. Бунинг оқибатида министрлик корхоналари ўтган йили 60 минг тоннадан кўпроқ цементни, 35 миллион донага яқин шиферни, минг тонна чўян қувурлар, кўплаб ваннаклар, раковиналар ва шунга ўхшаш бошқа нарсаларни етказиб бермади. Неча ўн миллионлаб ғишт кам пиширилди... Афсуски, бу рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин.

Аҳволнинг мушкуллиги, аниқроқ айтадиган бўлсак, танглиги бир қанча республикалар ўз ҳудудларида камёб материалларни қолдириш ҳақида бир томонлама қарор қабул қилганликлари сабабли ҳам ўткирлашиб кетди. Бу, гарчи иқтисодий алоқалар ва шартномавий интизомнинг жиддий бузилишига олиб келса-да, минтақалар хўжалик ҳисобига ўтилаётганлиги баҳона қилиб кўрсатилмоқда. Бу масаланинг бир жиҳати. Бошқа томондан, бозор муносабатларининг жорий этилиши материалларни марказлашган ҳолда етказиб беришни қисқартиришга олиб келмоқда, корхона эгалари — ишлаб чиқарувчилар билан уларнинг маҳсулотини олувчилар ўртасида нотенг муносабатлар вужудга келмоқда. Хуллас, қаерга қараманг, ҳамма ёқда муаммо... Шу боисдан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикада бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш ҳақида қарор қабул қилди. Жумладан, 50 хилдан кўпроқ жуда камёб буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни қисқа муддат ичида анча кўпайтириш мўлжалланган. Улар орасида турли ҳажмдаги қувурлар, линолеумлар, метлах плиталари... бор.

«Уй-жой-2000», «Сиҳатсаломатлик», «Иш билан таъминлаш» деб аталган энг муҳим ижтимоий режаларни муваффақиятли амалга ошириш учун ўн учинчи беш йилликдаёқ бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш талаб этилишини ҳисоб-китоблар кўрсатмоқда. Ҳукумат белгилаб берган режаларни бажариш учун жуда катта пулни — 1 миллиард 900 миллион сўмни ўзлаштириш керак бўлади.

Хўш, бунда нимага таяниш керак? Биринчи навбатда мавжуд қувватларни кенгайтириш ва янгиларини ишга тушириш лозим. Чунончи, бўлажак беш йилликда цемент ишлаб чиқаришни икки баравар, шифер, фаянс буюмлар, норуда материаллар, керамзит ишлаб чиқаришни қарийб бир ярим баравар кўпайтириш зарур. Республика бозорига ҳозир ниҳоятда танқис бўлган радиаторлар ва конвекторлар ўн беш баравар кўп келтириладиган бўлади.

Ушбу режалар яқин истиқболга мўлжалланган. Бу режалар, мутахассисларнинг фикрига қараганда, ҳаётий бўлиб, фақат қурилиш мажмуинигина эмас, айни вақтда бошқа соҳаларни ҳам боши берк кўчадан олиб чиқиши мумкин. Ҳар ҳолда аввалги ўн йилликлар тажрибаси бизда сўзимиз кўпинча ишимизга мос келмаганлигини кўрсатиб турибди. Энди айтингчи, ушбу режалар ҳам навбатдаги амалга ошмайдиган лойиҳа эмасмикин?

Шундай ташвиш, хавотирлик борлигини очиқ айтишимиз керак. Лекин республикамизнинг иқтисодий мустақилликка ўтиши, унга янгиланган совет ииншмаси доирасида мустақиллик берилиши бу масалада марказнинг тазйиқ ўтказишини амалда истисно этади. Пулни қаерга ва нимага, қанча сарфлашимизни ўзимиз ҳал қилишимиз керак. Аммо, бунда ҳам бир неча шубҳали «бироқ...» муаммоси бор.

Юқорида бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш ижтимоий режаларни бажариш учун қарийб 2 миллиард сўм пул кераклигини айтиб ўтган эдик. Ана шу маблағнинг асосий қисми — 1 миллиард 200 миллион сўм пулни республика Бинокорлик материаллари саноати министрлиги ўзлаштириши керак. Бироқ мазкур министрлик корхоналари ўз харажатларини зўрға қоплаётганликларини, ўз маблағлари ҳисобига ишларнинг бутун мажмуини пул билан таъминлай ололмасликларини эътиборга олиб, уларга амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Яъни республика министрликлари ва идоралари капитал маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизга яқинини шерикчилик тариқасида Бинокорлик материаллари саноати министрлигига бериши керак. Республика хазинаси адо бўлмас хазина эмаслиги сир эмас. Шу сабабдан амалий ёрдамсиз, идоралараро ўзига хос ҳалашар қилмай туриб, режаларни бажариб бўлмайди. Лекин худди ана шу мазмунда келишмовчиликлар ҳам келиб чиқмоқда.

Ҳозир ҳақиқий ҳокимиятни қўлига олаётган маҳаллий Советлар маҳаллий хом ашёдан ва ўз ерларида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш масалаларида сусткашлик қилишмоқда. Кўпчилик ҳалигача «юқоридан» жамғармалар ажратилишига кўз тутмоқда. Областларда қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган янги корхоналар учун ер ажратиш масалаларини чўзиб юборгаётганликлари хусусида мисоллар ҳам бор. Ҳозир экологияни, юқори унумли, фильтрлар билан жиҳозланган ускуналар йўқлигини баҳона қилиш одат тусига кирганлиги ҳам маълум. Мисоллар эса бошқа нарсадан — жойларда ушбу муаммони ҳал этишга чинакам манфаатдорлик йўқлигидан далолат бермоқда. Тайёрга айёрлик, сусткашлик, долзарб масалаларни ҳал этишни зиммага олишдан чўчиш каби нохуш ҳолатлар ҳали ҳам бор. Бундай иш юритиш бутун халқ хўжалик мажмуасига жуда катта зарар етказиши мумкин. Ҳозир ҳақиқий инқилобий ўзгаришлар рўй бераётган, одамларга якка тартибда уй-жой қуриш учун 10 минглаб гектар ер ажратилаётган вақтда маҳаллий манфаатларни кўзлаб иш тутаётганларни кечириб бўлмайди. Ҳозир, айниқса қишлоқ жойларда бинокорлик материаллари етишмаётганлиги сир эмас.

Афсуски, республикамизда барча камчиликларни ё қурувчиларга тўнкаш ёки бинокорлик материаллари йўқлигини баҳона қилиш «яхшигина» одат тусига кириб қолганлигини таъкидлашга тўғри келади. Худди шу «баҳонадан» Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети, Сув хўжалиги министрлиги, Қурилиш министрлиги ва Маҳаллий саноат министрлиги вакиллари турли кенгашларда муваффақиятли фойдаланмоқдалар. Улар режани қабул қилмаслик учун бир илож топишга, ҳар қандай баҳонадан фойдаланишга уриндилар, дастлабки вақтларда капитал маблағлар лимитларининг бир қисмини ўз шерикларига беришдан бош тортдилар. Улар кўрсатаётган сабаблар бир-бирига зид, хўжалик ҳисоби ва аниқ истиқболларга мос келмайди. Масалан, бинокорлик материаллари кескин етишмаётганлигини бошидан кечираётган Сув хўжалиги министрлиги ғишт заводларини қуришдан бош тортмоқда. Ҳолбуки, унинг ўзи доимий равишда девор материаллари берилишини талаб этмоқда.

Давлат сув хўжалиги қурилиши комитети ва бошқа идоралар цемент ишлаб чиқарадиган кичик заводлар қуришни сира-сира хоҳлашмади. Сабаби валюта йўқ эмиш! Лекин «қурилиш нони» — цемент ишлаб чиқаришни республикамизнинг энг катта корхоналари фақат 1995—1997 йиллардагина кўпайтиришга киришадилар. Хўш, Ўзбекистон яқин йиллар ичида қандай қилиб ривожланиши керак?

Нима бу? Маҳаллий нафсониятми, республикамизда яшаётган ҳар бир кишини амалда тўлқинлантираётган, ўз аҳамияти жиҳатидан ниҳоятда катта бўлган муаммони тушунишни хоҳламасликми? Буни ҳаммадан кўра ҳам кўпроқ «идоравий худбинлик» сифатида таърифлаш мумкин. Шундай бўлса ҳам соғлом фикр тантана қилди. Режа қабул қилинди ва у бажарила бошланди.

Шу йилнинг икки ойида амалга оширилган тадбирлар Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг меҳнат коллективлари топшириқдан ташқари 11 минг тонна цемент, 4 минг тонна оҳак, 8 миллион дона шифер, 2,5 миллион дона ғишт ишлаб чиқаришларига имкон берди. Бошқа министрликлар ва идоралар нинг корхоналари шу вақт ичида 13,5 миллион дона девор материалини кам етказиб бердилар. Бу ерда изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

Бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни жадал кўпайтиришга, моддий базани мустаҳкамлашга доир ҳукумат режаларини барча министрликлар ва идоралар манфаатдор бўлган ва амалий ёрдам берган тақдирдагина бажариш мумкин. Лекин бу ишни мажбурий тарзда эмас, виждонан бажариш керак.

(ЎзТАГ).



ЛОЙИҲАДАГИ ҚУВВАТГА ЭРИШИЛДИ

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Жарқўрғон йигирув-тўқув фабрикасида ҳар йили 1700 тонна калава, 13 миллион погон-метр ип-газлама ишлаб чиқарилмоқда. Калава узлуксиз равишда белгиланган муддатларда Украина, Латвия, Литвага етказиб берилмоқда.

Бу фабрикани ташкил қилишдан кўзланган мақсад қишлоқ хўжалигида банд бўлмаган аёлларни иш билан таъминлаш эди. Мақсад амалга ошди — дастгоҳларда мингга яқин киши, асосан ёшлар ишлашмоқда. Ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 190 сўмга етди.

Фабрикада ўз касбининг илғорлари талайгина. Улардан бири тўқувчи Адолат Юсупова. Унинг бир ўзи 24 та дастгоҳни ҳаракатга келтирмоқда.

Суратда: тўқувчи А. Юсупова. И. ХУЖАЕВ олган сурат.

(ЎзТАГ).

• *Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонуни—амалда*

ХАМИР УЧИДАН ПАТИР

Тилимизга давлат ҳуқуқи берилганига 4 ой бўлди. Қонун моддалари, уни ҳаётга жорий этиш қай аҳволда боряпти деган фикрлар, эндиликда турмушимизда янгича муаммо сифатида жилоланмоқда. Бошқача қилиб айтганда, иш бошқа, унга амал қилиш бошқа.

Она тилига давлат ҳуқуқи берилганлигини юракдан ҳис этган баъзи ташкилот ва олий ўқув юртлари ҳам йўқ эмас. Республикада техника олий ўқув юртлари орасида тил ҳақидаги қонун лойиҳасини тўғри илғаб олиб, ўша заҳотиёқ институтда, ўзбек тили кафедраси очган автомобиль ва йўллар институти бўлди, рус группаларидагина эмас, ўзбек группаларида ҳам ўзбек тили ўқитила бошланди.

Бугина эмас, жумҳурият партия Марказий Комитети, Олий Совети ва ҳукумат аппаратлари область ва шаҳар партия комитетлари ходимлари ўзбек тилини ўрганишни қонун чиқмасдан анча олдин бошлаб юбордилар. Маҳаллий миллат вакиллари бўлмаган кишилар зўр журъат билан Ўзбекистон давлат тилини онгли равишда, қистовларсиз ўрганмоқдалар. Бу нарсани ўзбек халқига бўлган самимий ҳурмат ва садоқат, деб биламиз.

Институтимизда ўзбек тилининг шанини кўтариш бобида амалий ишлар кўтаринкилик билан олиб борилмоқда. Қонун чиққандан сал ўтмай, институт илмий кенгаши Қонун моддаларини ишлаб чиқиш бўйича 31 кишидан иборат комиссия тузди. Комиссияга нуфузли олимлар, партия, жамоат ташкилотлари ва ректорат ташаббускорлиги ва раҳбарлари жавобгарлиги масъул иш сифатида қонунлаштирилди.

Қонунни ҳаётга татбиқ этишда, айтганимиздек, институтда энг зарур ва муҳим тадбирий иш амалга оширилди: яъни ўзбек тили кафедрасигина эмас, шунингдек «Ўзбек тилини ўрганиш курси» ҳам амалий жиҳатдан ташкил этилди.

Институтда ўзбек тилини меҳр билан ўрганишга эътиқод тобора кучайиб бормоқда.

Яқинда ташкил этилган бошқа миллат вакилларини ўзбек тилига ўргатишни мақсад қилиб қўйилган юқоридаги бепул курс иш бошлади. Курсга таниқли ва тажрибали тилшунослар, методистлар жалб қилинди.

Ҳозирги кунда 16 та гуруҳ ташкил қилиниб, унда 270 нафар бошқа миллат вакиллари — профессор-ўқитувчилар, ходимлар давлат тилини ихтиёрий ўрганмоқдалар.

Курснинг руҳиятига кўра таълим икки босқичдан иборат қилиб белгиланди. Ҳафтасига ҳар бир гуруҳда 4 соатдан ажратилган машғулотлар юзасидан программа тузилди. Бир йиллик гуруҳ тингловчилари давлат тилини чалароқ билувчилар, икки йиллик гуруҳ тингловчилар эса ўзбек тилини мутлақо тушунмайдиганларга ажратилди. Ана шу муҳим таклиф бўйича курс фаолиятини илмий ва методик жиҳатдан юргизишда 110—220 соатли дарс ҳажмини ўз ичига олувчи «Ўзбек тилини ўқитиш программаси» тузилди ва булар институт илмий кенгашида муҳокамадан ўтказилиб, иш юритишга тавсия этилди. Эски ўзбек ёзувини ўрганишнинг ҳам шартлиги тил ҳақидаги қонун талабларига муҳрлаб қўйилган экан, биз уни ўрганиш муддатини пойлаб ўтирмадик.

Институт тадбирларида техникага — автомобиль транспорти, автомобиль йўлларини ишлатиш ва иқтисод қилиш, автомобиль йўллари қурилишига доир сўз ва атамаларнинг изоҳли луғатларини русча —ўзбекча шаклда тайёрлаш ва чоп эттиришни ҳам навбатма-навбат муддатлари ва ижрочилари аниқ белгиланади, ўзбекча дарслик ва қўлланмаларнинг таржимаси ва нусҳаларини пухта, жадал суръатларда яратиш асосий вазифа қилиб қўйилди.

Ҳозирги кунда институтимизнинг таниқли олимлари — профессорлар С. Пўлатов, А. Муталибов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби С. Қодиров, профессорлар Ш. А. Абдуллаев, Ҳ. Димедов, доцентлар С. Ҳусниддинов, М. З. Мусажонов, Ғ. Саматов, С. Мусаев, Ғ. Маҳмудов кабилар дарслик ва қўлланмалар таржимаси ва ўзбекча лекция матнларини тайёрлаш устида фаол иш олиб бориш билан бирга, тажриба йўсинида ўзбекча лекция ва лаборатория ишларини бошлаб юбордилар. Эндиликда илмий ва партия мажлисларини ҳам ўзбек тилида олиб бориш ва уларнинг синхроник воситасини йўлга қўйиш ишлари тезлаштирилмоқда.

Лойиҳада ўзбек тилининг етук билимдонлари — атоқли туркийшунос рус олимларининг сурат ва таржимаий ҳоллари илова қилинган бўлим ҳам бор.

Музей она тили, эски ўзбек ёзувига оид барча адабиётлар, мутафаккирлар, баъзи шоир ва ёзувчилар китобларидан жиҳозланади; ўзбек миллий тилининг юзага келишидаги асосий бирликлар ва лаҳжалар махсус катакларда чизиқлар билан тасвирланган.

Қилинаётган бу ишлар давлат муҳофазасига олинган ўзбек тили юзасидан амалий ишларнинг, агар айтиш жоиз бўлса хамирнинг учидан патирдир.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
филология фанлари номзоди.

МОЛИ ТЎҚНИНГ— КЎНГЛИ ТЎҚ

ёки жумҳуриятимизда чорва озуқасини кўпайтириш имкониятлари хусусида

Фикрлар хилма-хиллиги ҳуқуқидан фойдаланиб анчадан бери ўйлаб юрган мулоҳазаларимни, кўнгилдаги гапларимни баён қилмоқчиман.

Маълумки, СССР халқ депутатлигига сайловлар жараёнида мен ўз программамга чорва маҳсулотларини кўпайтириш, хусусан гўшт нархини арзонлаштириш мақсадида чорва озуқаси бўлган шелухани уйида мол боқувчи аҳолига сотиш, бунинг учун гидролиз заводларига хом ашё сифатида шелуха беришни кескин камайтириш ёки бутунлай тўхтатиш, гидролиз заводларида гўзапоя ёки қипиқни хом ашё сифатида ишлатилишига ўтиш каби бандни киритган эдим. Ана шу йўл билан гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш кескин кўпайишини исбот қилиб бергандим.

1989 йилнинг сентябрь — октябрь ойларида Ўзбекистон ССР Министрлар Советида бўлиб ўтган йиғилишда Қўқон ёғ-мой комбинатининг бу ташаббуси қизғин қўллаб-қувватланди. Ўша йиғилишда республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари И. Жўрабеков ҳам қатнашган эдилар. У киши бу хайрли ишни жон-дилдан қувватлади. Мазкур масала республикамизда ҳал этилди. Бунга республика Министрлар Советидан менинг номимга келган қуйидаги мазмундаги мактуб ҳам мисол бўла олади:

«Сизнинг гидролиз заводларига бериладиган шелуха миқдорини камайтириш ҳақидаги таклифингиз юзасидан қуйидагиларни билдирамиз:

Шу йилнинг тўртинчи квартали планига асосан комбинатда чигитдан олинадиган 15 минг тонна шелухадан 10,2 минг тоннаси Ўзбекистон ССР Госагропроми тақсимоти бўйича жамоат чорвачилиги ва бошқа таъминотчиларга юборилади. Қолган 4,8 минг тонна ва нормативдан ортиқ ишлаб чиқаришни кутилаётган шундай маҳсулот озуқа сифатида ишлатиладиган донадор бирикма (концентрат) ишлаб чиқариш учун комбинат ихтиёрига берилади.

Ўзбекистон ССР Госплани, Госагропром ва бошқа манфаатдор ташкилотлар таклифига асосан 1990 йилда чигитдан олинадиган шелухани гидролиз заводларига етказиб беришни 67 минг тоннага қисқартириш ва бу маҳсулотни аҳоли эҳтиёжига йўналтириш кўзда тутилмоқда.

И. ЖЎРАБЕКОВ».

Маълумки, гидролиз заводлари йил давомида 250—270 минг тонна шелухани хом ашё сифатида ишлатади. 1990 йилдан: СССР Медицина саноати министрлигининг бу каби корхоналарига хом ашё сифатида бериладиган шелуха миқдори 198 минг тоннани ташкил этади. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Фарғона областида ўртача, дейлик 500 минг тонна пахта етиштиришади. Ундан 260—270 минг тонна чигит олинади. Областимизда 2 та йирик ёғ-мой комбинати бор. Буларнинг қуввати кунига 1650 тонна (840—810) ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак, йилига 500—520 минг тонна чигитни қайта ишлайди. Энди областимизда шунча чигит йўқлигига эътибор берган бўлсангиз керак.

Масалан, Фарғона ёғ-мой комбинати соядан ҳам маҳсулот ишлаб чиқаради. Лекин кейинги пайтларда бу корхонада ишлов бериладиган соянинг 10 минг тоннасини бошқа заводларга ўтказиш ҳақида гап юриб қолди. Хўш, нима бўпти деган савол туғилиши табиий.

Энди масаланинг бошқа томонига эътибор бериб кўрайлик. Масалан, Қўқон ёғ-мой комбинати ўртача 234 минг тонна чигитни қайта ишлайди. Бу ердаги мураккаб технология фақатгина чигитни қайта ишлашга мослаштирилган ва ГДР, Польша, ГФР, Швецияда тайёрланган нодир ускуналар билан жиҳозланган. Комбинатда шунингдек, 11 минг тонна соя ҳам қайта ишланади. Айни пайтда корхонада тажриба сифатида чигит ва узум уруғини қайта ишлашдан чиқадиган чиқиндидан донадор озуқа ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Ҳозир ана шундай озуқа ишлаб чиқарадиган участка қурилишига ҳам киришилди. Шу сабабли ҳам бу ерда аввало, соя ишлов бериш тўхтатилиши зарур. Шу билан бирга Фарғона гидролиз заводига шелуха етказиб беришни узил-кесил тўхтатиш масаласини ҳал этиш керак.

Қўқон ёғ-мой комбинатида донадор озуқа ишлаб чиқаришни бошлаш ва бу тўйимли ем билан чорвани боқиш чорвачиликни кескин ривожлантириш ва республикада гўшт етиштиришни 9,1 минг тоннага кўпайтириш имконини беради. Шунингдек, комбинатда шротдан махсус сут тайёрлашда хом ашё бўладиган оқсилли-ёғли бирикма ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу сут билан ёш бузоқлар боқилади. Натижада шу мақсадларда ишлатиладиган сутнинг 50 фоизи иқтисод қилинади, сут-қатиқ маҳсулотлари 50 фоизга кўпайишига имконият яратилади. Шу ўринда пахта ёғидан доридармон тайёрлаш ва кимё саноатига ғоят зарур бўлган антранилат гассипол ҳам олиняптики, бу маҳсулотга халқ хўжалигида талаб жуда катта. Шу боисдан Қўқон ёғ-мой комбинатини биринчи ва иккинчи сортли чигит билан доимий таъминлаш ниҳоятда зарур. Бу ишнинг муҳимлигини юқорида келтирилган мисоллар кўрсатиб турибди. Шу соҳанинг мутахассислари «Масложирпром» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари П. Демченко, «Средазнипкипишчепром» директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари И. Юнусов, ВНПОКПнинг таннарх, нарх-наво ва молия секторининг мудири, иқтисод фанлари номзоди Ф. Гаршинлар ҳам бу фикрни узил-кесил равишда тасдиқлайдилар.

Узоқ йиллар давомида пала-партиш ишлаш, пухта ўйламай турли қарорлар қабул қилиниши натижасида иқтисодиётимизга путур етгани ҳаммамизга маълум. Масалан, чиқитсиз технология ҳақида жуда кўп гапирдик. Тинимсиз ёздик. Унинг иқтисодий самарадорлиги ҳақида илмий асарлар яратдик. Лекин бу ишни тўла амалга оширолмадик. **Айни пайтда Қўқон ёғ-мой комбинати мутлақо чиқитсиз ишлашга мослашди. Шундай бўлгач, унга етарли миқдорда чигит етказиб бериш ўрнига бу хом ашёнинг маълум миқдорини Фарғона ёғ-мой комбинатига беришга ҳожат бормикин? Қолаверса, шелуха ишлаб чиқариш бўйича республика миқёсида махсус бир бошқарма ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмасми?**

Яқинда ВАСХНИЛ Президиумида, шунингдек, СССР Министрлар Совети Президиумида Қўқон ёғ-мой комбинати коллективи томонидан амалга оширилаётган юқоридаги каби ишлар ижобий тажриба сифатида ўрганилиши ва кўриб чиқилиши режалаштирилган. Шундай экан, комбинат коллективи мулоҳазаларини ҳам чуқур ўйлаб кўриш керак бўлади.

Хуллас, олдимизда вазифалар кўп. Лекин, менимча, уларнинг барчаси ечимга эга. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, бамаслаҳат иш тутсак, ниятларимиз шунча тезроқ амалга ошади. Энг муҳими, қабул қилинадиган ҳар бир қарор аввал пухта ўйланиши, етти ўлчаб бир кесилиши керак. Ана шундагина шошма-шошарлик билан амалга оширилган ишларни яна бошқатдан тузатишга ҳожат қолмайди.

Ю. ЕҚУБОВ,
Қўқон ёғ-мой комбинати директори, СССР халқ депутати.

СОВЕТ МУСУЛМОНЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЛИВИЯДА

ТРИПОЛИ, 25 март. (ТАСС). Совет мусулмонларининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси раиси муфти М. Мамаюсупов бошлиқ делегацияси Ливия жамаҳириясига ташриф буюрди. Делегация жаҳон ислом халқ раҳбариятининг Триполида ўтган 2-конференциясида қатнашди.

Совет делегацияси Ливия пойтахтида бўлган пайтда уни Ливия революциясининг раҳбари қабул қилди. Муфти М. Мамаюсупов Муаммар Каддафийга СССРда юз бераётган ўзгаришлар, совет мусулмонларининг аҳволи ҳақида сўзлаб берди, яҳудий миллатига мансуб шахсларнинг Совет Иттифоқидан чиқиб кетиши билан боғлиқ муаммога уларнинг муносабатларини баён қилиб берди. Совет мусулмонлари делегацияси «Ислом даъвати» ташкилотининг бош секретари Аҳмад Шариф билан музокара ҳам олиб борди. Томонлар ҳамкорлик қилиш тўғрисида протокол имзоладилар.

• *Бугун—Халқаро театр куни*

ИЗЛАНИШ ЙЎЛИДА

Ҳамза театри улуғ драматург Шиллернинг машҳур «Қароқчилар» пьесасини саҳналаштиришга тайёргарлик кўраётган пайтлар эди. Бош роллар тақсимлаб бўлинган. Иккинчи даражали, шунингдек, характерли, оммавий саҳналарда кўринадиган роллар ижрочилари учун актёр ва актрисалар тайинланяпти. Роцман образини кимга топшириш ҳақида гап бораётганида режиссёр Баҳодир Йўлдошев ёш актёр Қаҳрамон Абдураҳимовга тўхталди-ю, ўйланиб қолди: «Эплай олармикин? Ҳали унчалик тажрибаси йўқ... Лекин ишлатса бўлади!» Талабчанлиги туфайли муваффақиятли спектакллар саҳналаштираётган, иложи борича умидли ёшларнинг имкониятларини юзага чиқаришга интиладиган режиссёрнинг қарори қатъий эди: мураккаб, айни вақтда характерли Роцман ролини ёш актёр ижро этадиган бўлди.

Актёр ишончни оқлашга интилди. Биринчи навбатда «Қароқчилар»нинг мамлакатимиздаги бошқа театрларда намойиш этилган талқинларини газета-журнал, илмий тадқиқотлардан ўқиб. ўрганиб чиқди. Роцманнинг машҳур ижрочилари анъаналарини қидирди. Айни вақтда театрдош моҳир ижрочиларнинг образ ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини эшитди. Режиссёрнинг репетициягача айтган йўлланма фикрларини ён дафтарига ёзиб олди.

Репетиция қутилганидек бошланиб, мўлжалдаги вақтда спектакль тайёр бўлди. Тўғри, бошқа ролларни тайёрлашда бўлгани каби Роцманни саҳнага чиқаришда ҳам анча қийинчилик сезилди. Лекин бундан актёр ҳам, режиссёр ҳам чўчимади. Аксинча, улар эринмай, ишонч билан ишладилар.

Ёш актёрнинг ижодини кузатсангиз, унинг бошқа роллари ҳам шундай изланиш, ўрганиш, ҳамкорлик туфайли саҳнага чиққанининг гувоҳи бўласиз. Масалан, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Туроб Тўла пьесаси асосида саҳналаштирилган «Нодирабегим» спектаклидаги Маъдалихон образи ҳам мураккаб эди. Актёр роль устида ишлар экан, салбий образдан ижобий фазилатлар топишга интилди ва бунга муваффақ бўлди. Шу ўринда кичкина мулоҳаза: артистларимиз салбий ролларни кўпинча ҳаддан зиёд «қора»лаштириб юборадилар. Ҳолбуки, улар ҳам инсон, уларнинг ҳам ўз нияти, эътиқоди бўлади. Аксарият ҳолларда ўзлари англамаган ҳолда хато ва камчиликларга йўл қўядилар. Ёш актёр мана шу ҳаёт ҳақиқатини унутмай, Маъдалихон фожиасини кўрсата олди.

Худди шу ролни таниқли артист Обид Юнусов ҳам ижро этди. Иккала ижрочининг галма-гал талқини беғубор баҳсдай кўзга ташланди. Бу табиий, қолаверса, шундай бўлиши ҳам керак эди. Ёш актёрдан худди шу образ талқинидаги муваффақият сирини сўраганимизда, «қанчалик ютуққа эришган-эришмаганимни санъат аҳли, томошабинлар билади,мен эса бир нарсани биламан: изланишимнинг самарали чиқишида дўстона саҳна мусобақаси катта роль ўйнаган, — деди.

Қаҳрамоннинг машҳур режиссёр Е. Р. Симонов раҳбарлигида саҳналаштирилган «Отелло» спектаклидаги Родриго роли ҳам ўзига хос талқини, жозибаси билан эътиборлидир. Энг муҳими, ёш актёрнинг ижроси москвалик устоз режиссёрга маъқул бўлди.

С. Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони»даги Тўхта, Ў. Умарбековнинг «Комиссия»сидаги Згуриди, «Кузнинг биринчи куни»даги Рамзиддин, Т. Уильямснинг «Армон»идаги Том роллари ҳам ёш актёрнинг изчил изланиши, ҳаракати, устоз актёрларнинг анъаналарини пухта ўқиб, ўрганиши туфайли тўлақонли образ сифатида саҳнада кўринди. Артист ўзига топширилган ролнинг бошқа санъаткорлар томонидан қилинган талқинини ҳеч қачон назардан қочирмайди. Аксинча, улар қанчалик яхши ёки ўртамиёна ижро этилганидан қатъи назар, қизиқиш билан ёндашади. Иложи борича оригинал чизгилар топишга уринади. Унинг бу изланишларини таъкидлар экан, бош режиссёр, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Рустам Ҳамидов шундай дейди:

— У ишга чин интизом билан қарайди. Машқ қилишдан чарчамайди. Янги роли дастлаб унчалик мукаммал бўлиб кўринмаса-да, талқиндан-талқинга, ижродан-ижрога сайқалланиб боради. Лекин Қаҳрамон ҳали ўзининг янада ёрқин, айтиш мумкинки, бош ролларини ярата олганича йўқ. Биз унинг бундай ишнинг уддасидан чиқишига умидвормиз.

Яқинда ҳамзачилар Мақсуд Шайхзода асари асосида саҳналаштирилган «Мирзо Улуғбек» спектаклини кўрсатдилар. Машҳур асарни таниқли актёр, Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Турғун Азизов саҳнага қўйди. Спектаклдаги Саидобид ролини Қаҳрамон Абдураҳимов ижро этмоқда.

— Мен аввалига Қаҳрамонга Абдулатиф ролини топширмоқчи эдим, — дейди актёр-режиссёр. — Кейин ўйланиб қолдим, актёрни синамоқчи бўлдим. Саидобид унинг характерига бутунлай қарама-қарши образ. Шундай қарама-қаршилик «жараёнида» тугал образ яратса, қандай яхши, янгилик бўлади-ку. Кутганимдай бўлди. Укамиз машқ қилишдан эринмади. Йўлланмаларга сидқидилдан амал қилди. Мана, кўриб турибсиз, саҳнада намоён бўлган Саидобид ёмон эмас!

Биз Турғун Азизовдан актёрнинг имкониятлари, ютуқ ва камчиликлари ҳақида сўраганимизда, у шундай деди:

— Имконияти бўлмаган актёр театрда яшай олмайди. Қаҳрамонда ҳам имкониятлар бор, буни таъкидлаймиз, албатта. Лекин ана шу мавжуд ижодий имкониятлардан қандай фойдаланяпти? Гап шу ҳақда бўлса, дейман. Биринчидан, шогирдимиз янада фаолроқ бўлишга астойдил интилса. Қанчалик кўп одамлар билан мулоқотда бўлинса, артист шунчалик ўса боради, деган устозлар ўгитида катта ҳақиқат бор. Яна бир нарса, кўпчилик актёр-актрисаларда бўлгани каби, Қаҳрамонда ҳам ташаббускорлик кам сезилади.

Бу фикрлар ўринли. Ишончимиз комилки, ана шундай мулоҳазали, тажрибали санъаткорлар билан ҳаммаслак бўлиб, улар ҳамнафаслигида ижод қилаётган актёр Қаҳрамон Абдураҳимов келгусида янада мазмунли, эсда қоладиган образлар яратиб, санъат мухлисларини хушнуд этади.

Саида ИЎЛДОШЕВА.

Муқимий номидаги музикали театрнинг драматурглар С. Абдулла ва М. Муҳамедов асари асосида саҳналаштирган «Гул ва Наврўз» спектакли томошабинларга манзур бўлмоқда. Суратда: шу асардан бир кўриниш. Ўнгдан чапга: Гул ролида — актриса Меҳри Бекжонова, Бахмал — Рустам Маъдиев, Наврўз — Турғун Бекназаров.

С. КАГАН суратга олган.

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР КЎРИГИ

Қорақалпоғистон ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг кўрик-конкурси ёш истеъдодларнинг байрамига айланди. Кўрик-конкурс халқ ижодиёти учинчи Бутуниттифоқ фестивали доирасида ўтказилди.

Қораўзакдаги 22-ўрта ҳунар-техника билим юрти фольклор ансамбли миллий санъат анъаналари руҳида саҳналаштирган композиция ҳакам ҳайъатининг юқори баҳосини олди. Улар кўрикда ғолиб чиққан Ленинобод районидаги 20-ўрта ҳунар-техника билим юртидаги ўз тенгдошлари билан бирга фестивалнинг Фарғонада бўладиган иккинчи даврасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Хўжайли ва Тахиятош бадиий ҳаваскорлик коллективлари халқ чолғу асбоблари ансамбларининг республика кўригига йўлланма олдилар. Вокал-чолғу ансамбллар кўрик-конкурсининг совриндорлари — Тўртқўллик ва халқободлик болалар Самарқандда бўладиган мусиқали мусобақада энг яхши унвон учун беллашадилар.

[ЎзТАГ].

«ТАЖРИБА, МУЛОҲАЗА, АХБОРОТ»

Телевидение ва радио ҳаётимиздан тобора мустаҳкам ўрин олаётганлиги бежиз эмас. Бугунги кунда улар янгиликлар, воқеа-ҳодисалар хабарчиси, бўш вақтларда маданий хордиқ чиқариш воситаси бўлибгина қолмай, айни пайтда социал-сиёсий, иқтисодий-ижтимоий мавзулардаги мунозаралар минбари ҳамдир.

Мавзулар қамровининг кенглиги, мамлакатимизда, хусусан, жумҳуриятимизда юз бераётган инқилобий ўзгаришлар, телетомошабинлар ҳамда радиотингловчилар йўллаётган хат-хабарларни таҳлил қилиш ва ўрганиш, қайта қуришнинг ҳозирги босқичида оммавий ахборот воситалари олдига қўйилаётган вазифалар телерадиожурналистлардан кўп нарсани талаб қилади. Аввало, улар пухта сиёсий ва иқтисодий билимга, юксак касб маҳоратига эга бўлишлари керак. Бизда бундай журналистлар оз эмас. Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети кўрсатувлар ва эшиттиришларнинг сиёсий жиҳатдан аниқ мақсадга қаратилганлиги, мазмунан теранлиги, оперативлиги, ахборотга бойлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, бунда энг яхши телерадиожурналистларнинг тажрибаларини умумлаштириш ва оммалаштириш мақсадида 1990 йилдан «ТАЖРИБА, МУЛОҲАЗА, АХБОРОТ» деб номланган доираси кенг, ҳозиржавоб, ахборот-методик тўплам чиқаришни йўлга қўйди. Ҳар кварталда бир марта чиқадиган бу тўплам ижодий ташаббускорликни кучайтириш ва янгиликни тез илғаб олиб амалда қўллашда, қардош жумҳуриятлар телевидениелари ва радиолари тажрибаларини ўрганишда, умуман, янгича фикрлашда телевидение ва радио ходимлари учун қўлланма вазифасини ўтайди.

Тўпламнинг биринчи сони босмадан чиқди. Баъзи мақолаларнинг сарлавҳасиданоқ уларнинг мазмун ва мақсадини илғаб олиш мумкин. Мана, айримлари: «Давр руҳи билан ҳамнафас», «Байналмилал тарғибот — долзарб мавзу», «Тижорат хизмати — даромад манбаи», «Имон ва эътиқод ижодга хизмат қилсин», «Машъал»да маданий ҳаёт мавзуси», «Муҳаррир нима демоқчи?», «Радиоахборотда жўшқин ҳаёт», «Телевидение ва телетомошабин». Энг муҳими, тўпламнинг муаллифлари ҳам, ўқувчилари ҳам, ундан қўлланма сифатида фойдаланувчилар ҳам телерадиожурналистларнинг ўзлари.

Бир сўз билан айтганда, тўплам телетамошабинлар билан радиотингловчиларнинг маънавий манфаатларига хизмат қилади.

Реклама ва эълонлар

ХЎЖАЛИКДА МОЛ-МУЛКНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА — КАМИДА 3000 СЎМ!

Уй-рўзғор мол-мулки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ёқилғи, қурилиш материаллари, боғ-томорқа анжомлари — уларнинг ёнғин, портлаш, табиий офат, иситиш системаси, водопровод ёки канализация тармоқларидаги авариялар, қўшни бинолардан сув оқиб кириши, турар жой ва ёрдамчи бинолардаги асосий конструкцияларнинг тўсатдан вайрон бўлиш оқибатида нест-нобуд бўлиш ёки шикастланиш ҳолларидан, шунингдек, уларнинг ўғирланиши ва ўғирлашга уриниш туфайли шикастланиш ҳолларидан суғурта қилинади;

қўйлар, эчкилар, чўчқалар — касалликлар, табиий офатлар ва бахтсиз ҳодисалар туфайли (очликдан нобуд бўлишдан ташқари) нобуд бўлиш ҳолларидан суғурта қилинади;

асалари уялари — касалликлар (инвазион касалликлар ва пестицидлар билан заҳарланишдан ташқари) табиий офатлар, бахтсиз ҳодисалар туфайли нобуд бўлиш ҳолларидан суғурта қилинади;

мевали дарахтлар (ҳосил бериб турганлари) ёнғин, портлаш, яшин уриши, қурғоқчилик, совуқ уриши ва бошқа табиий офатлар натижасида нобуд бўлиш ҳолларидан суғурта қилинади.

Хўжаликдаги мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси суғурта қилдирувчи учун қулай бўлган 15 вариантдан исталган турига тузилиши мумкин, масалан:

уй-рўзғор мулки, эчкилар, қўйлар, асалари уялари, мевали дарахтлар ёки;

уй-рўзғор мулки, асалари уялари ва бошқалар.

суғурта тўловлари вариант билан боғлиқ ҳолда суғурта пулнинг 0,7 дан 1 фоизгача ҳажмини ташкил этади.

Тўловлар 2 муддатда тўланиши мумкин. Бу турдаги суғурта шартлари билан госстрахнинг истаган инспекциясида батафсил танишишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СУҒУРТА ИДОРАСИ. «СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги қошидаги
ТОШКЕНТ ҲУҚУҚШУНОСЛИК СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ ТЕХНИКУМИ
«СОЦИАЛ ТАЪМИНОТНИНГ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ ВА ҲУҚУҚИ» МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кундузги бўлимга ўрта маълумотли, ёши 30 гача бўлган йигит-қизлар, сиртқи бўлимга эса ёшидан қатъий назар ўрта маълумотли, социал таъминот органларида камида 2 йил меҳнат стажига эга бўлган шахслар қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ 2 ЙИЛ.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, ўрта маълумоти тўғрисида аттестат, медицина справкаси (086/У форма), 4 дона 3×4 см катталикдаги фото сурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма.

Паспорт, ҳарбий билет ва ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

АРИЗАЛАР КУНДУЗГИ БЎЛИМГА 1 ИЮНДАН 31 ИЮЛГАЧА, СИРТҚИ БЎЛИМГА 3 МАЙДАН 10 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ: она (рус) тили ва адабиёт (иншо), СССР тарихидан (оғзаки).

ИМТИҲОНЛАРНИ КУНДУЗГИ БЎЛИМГА КИРАЕТГАНЛАР 1 АВГУСТДАН 21 АВГУСТГАЧА, СИРТҚИ БЎЛИМГА КИРАЕТГАНЛАР 10 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА ТОПШИРАДИЛАР.

Мурожаат этиш учун адрес: Тошкент шаҳри, Ғ. Ғулом кўчаси, 47-уй.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИНИНГ ОЛИЙ МАТЕМАТИКА КАФЕДРАСИ

8 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА СОАТ 9 ДА (I тур), 9 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА СОАТ 9.00 ДА (II тур)

ЖУМҲУРИЯТ XVII МАТЕМАТИКА ОЛИМПИАДАСИНИ ЎТКАЗАДИ

ОЛИМПИАДАДА 10 ВА 11 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ИШТИРОК ЭТИШИ МУМКИН

Тошкент шаҳри мактабларидан хоҳловчилар рўйхатдан ўтишлари, бошқа ердагилар эса ариза юборишлари (неча киши эканлигини кўрсатиб) **лозим.** Бошқа шаҳарликлар жой билан таъминланади. Ўзингиз билан дафтар, ручка ва чизғич олиб келинг.

I-ТУР ҒОЛИБЛАРИ II ТУРГА ҚЎЙИЛАДИ.

Ғолиблар фахрий ёрлиқлар ва китоблар билан тақдирланадилар. 11-синфдан чиққан ғолиблар эса, агар институтимизга кирмоқчи бўлсалар, ушбу имтиёзга эга бўладилар.

Ёзги барча имтиҳонларни муваффақиятли топширишсалар мандат комиссияси конкурссиз институтга қабул қилинади.

Бизнинг қўнимгоҳимиз: 700047, Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, Олий математика кафедраси, 109, 112-уй.

ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАР— ХАЛҚ МЕРОСИ

Тошкентда Шарқ археографияси муаммоларини ўрганишга бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва Бутуниттифоқ шарқшунослар уюшмасининг Ўзбекистон бўлими ташкил этган бу кенгашда жумҳуриятимиздаги қатор илмий ташкилотлар — Шарқшунослик ва Қўлёзмалар институтлари ходимлари, ТошДУ Шарқ факультети ўқитувчилари, Қўқон, Андижон адабиёт музейлари ходимлари, шунингдек. Ленинград, Махачқалъа, Душанбе, Ашхободдан келган олимлар фаол иштирок этдилар.

Кенгашни очган Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти директори, тарих фанлари доктори А. Ўринбоев ёзма ёдгорликларни жамлаш, илмий тавсифга олиш ва тадқиқ этиш масалалари хусусида фикр юритаркан, бу соҳада олимлар олдида турган долзарб муаммоларни алоҳида қайд этди.

Анжуманда археография фанининг ёзма ёдгорликларини жамлаш, уларни асраб-авайлаш, илмий ўрганишга оид қирққа яқин маъруза ва илмий ахборотлар тингланди, муҳокама этилди.

Илмий анжуманда маърузаларни жамлаб нашр этиш ва Шарқ археографияси муаммоларига бағишланган навбатдаги ишчи кенгашни Ашхобод шаҳрида ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

А. МАДРАИМОВ,
ЎзССР ФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими.

• *Табиат ва инсон*

КИРОЙИ ТОМОШАГОҲ БЎЛСА...

Тошкент ҳайвонот боғи майдони 4 гектар. У 1924 йилда Ўрта Осиё давлат дорилфунуни профессор-олимлари ташаббуси билан ташкил қилинган эди. Орадан 65 йилдан кўп вақт ўтди. 300 турдаги ҳайвон ва паррандалар бу даврда 2 минг турга етказилди. Ҳозир бу ерда СССР, Ўзбекистон ССР ва Халқаро «Қизил китоб»ларига киритилган ноёб жониворларнинг 310 тури сақланмоқда. Жумҳуриятимиз «Қизил китоб»га кирган 13 йиртқич қушнинг бу ердаги 8 тури бола очиб, кўпаймоқда. Яқинда АҚШдан келтирилган Анд кондори 5 та жўжа очди. Уларнинг бири Олма-ота ҳайвонот боғига совға қилинди.

ЎЛКАМИЗГА баҳор ташриф буюрган шу кунларда ҳайвонот боғига келиб-кетувчилар сони кескин кўпайди. 1990 йилнинг биринчи кварталидаёқ 60 мингдан зиёдроқ саёҳатчи ташриф буюрди.

Шу йилнинг биринчи сентябригача қўшимча равишда майдони 600 квадрат метрли маймунхона, тўтихона, архар ва қоплонлар учун махсус жой қуриб битказилиши мўлжалланмоқда. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети бу ишларни амалга ошириш учун бир миллион 700 минг сўм маблағ ажратди.

Лекин ҳозир боғда томошабинлар дуч келаётган баъзи бир муаммолар йўқ эмас. Масалан, бу ерда Ўзбекистон ССР «Қизил китоби»га киритилган айрим ҳайвон ва паррандаларни учратолмайсиз. Ўрта Осиёда энг заҳарли ҳисобланган гурза, қалқонтумшуқ, кўзойнакли илонлар махсус жой етишмаётганлигидан томошабинларга кўрсатилмай келинмоқда. Ўзбекистоннинг сайроқи қушларидан тўқай булбуллари, бедана, какликлар йўқ ҳисоби. Бир қатор қафаслар тепасида ёзувли тахтачалар илинмаган, борлари ҳам фақат рус тилида бўлиб, ёзуви ўчиб кетган. Томошабин бу ерда айрим тур ҳайвонлар ёки қушлар ҳақида етарли маълумот ололмайди.

Ўйлаймизки, яқин кунлар ичида бу ердаги нуқсонлар тезда бартараф этилиб, ҳайвонот боғи пойтахт аҳли ва меҳмонларининг севимли истироҳат масканига айланади.

З. ҲАЙДАРОВ,

Суратларда: Тошкент ҳайвонот боғида.

Муаллиф олган суратлар.

СПОРТ

ШАХМАТ:

ЯНА БИР ОЧКО

● Малайзияда жаҳон собиқ чемпиони А. Карпов билан голландиялик Я. Тимман ўртасида шахмат тожига даъвогарлик баҳси давом этмоқда. 8-ўйинда А. Карпов муваффақият қозониб, умумий ҳисобни ўз фойдасига — 5,5:2,5 га етказди. А. Карпов қолган тўрт учрашувдан яна бир очко олса, тож учун курашнинг ҳал қилувчи баҳсида Г. Каспаров билан дона суриш имкониятига эга бўлади. Кеча навбатдаги учрашув бўлди.

ФУТБОЛ:

ИККИ ПЕШҚАДАМ

● Олий лига командалари мамлакат чемпионатининг тўртинчи тур ўйинларини ўтказишди. Пойтахт спартакчилари ўз майдонларида «Помир» командаси дарвозасига ягона тўп киритиш билан ғалаба қозонишди. «Черноморец» футболчилари эса сафарда «Ротор» дарвозасига жавобсиз иккита тўп киритиб, муваффақиятга эришди. Шундай қилиб, «Спартак» ва «Черноморец» командалари олтитадан очко билан пешқадамлик қилишмоқда. «Днепр» «Торпедо», «Помир», «Динамо» (М) коллективлари ҳисобида тўрттадан очко бор.

ШАШКА:

ФАХРЛИ ЎРИН

● Халқаро шашка бўйича мамлакат чемпионатида 9-тур ўйинлари ўтказилди. Ҳозир 8 ва 9 имкониятдан бештадан очко тўплаган Чижов билан Ватутин фахрли ўринларни эгаллаб туришибди. Тошкентлик Мишчанский 7 имкониятдан тўрт очко тўплаган.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институти жамоаси катта илмий ходими Ж. Т. Каримовга акаси

Жума ТУРАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим нозирлиги Андижон қурилиш техникумининг директори

Абдумалик Холиқович НУРМАТОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашма бош директори К. Ғ. Ғуломовга акаси

Улуғ Ғафурович ҒУЛОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш нозирлиги жамоаси нозирликнинг ремонт-қурилиш бошқармаси бошлиғи В. В. Акимовга отаси

Владимир Васильевич АКИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси Ё. Охунбобоев номли жумҳурият ёш томошабинлар театрининг актёри, уюшма аъзоси

Шуҳрат ЗИЯМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Қўриқ совхозлар ишлаб чиқариш бирлашмаси «Агроцелинсовхоз» раҳбарияти, партия ва касаба уюшмаси жамияти шу бирлашма раисининг ўринбосари В. Мамадалиевга онаси

Рихси МАМАДАЛИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси сиёсий тарих кафедрасининг доценти К. Т. Умаровга онаси

Рисолат УМАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат дорилфунунининг амалий математика ва механика факультети коллективи ЭҲМни математик таъминот этиш кафедрасининг доценти А. М. Пўлатовга отаси

Муҳаммаджон ПУЛАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04167. № 72. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12